

2011-2

Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 1-банди талабига мувофиқ, иш судга тааллуқли бўлмаса, иш юритиш тугатилади.

Ф.Аҳмадов жавобгар Ш.Бердиева, нотариал идора ва бошқаларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2008 йил 2 февралда Ш.Бердиева ва С.Суннатов ўртасида нотариал расмийлаштирилган уй олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни, низоли уйни эр-хотиннинг биргаликдаги мулки деб топиб, С.Суннатовни оила аъзолари билан низоли уйдан мажбурий тартибда кўчиришни ва ўзини низоли уйга киритишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ф.Аҳмадовнинг даъвоси каноатлантирилиб, Ш.Бердиева ва С.Суннатовлар ўртасида 2008 йил 2 февралда нотариал расмийлаштирилган уй олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган. Уй Ф.Аҳмадов билан Ш.Бердиеваларнинг умумий мулки деб топилган ва С.Суннатовни оила аъзолари билан низоли уйдан бошқа тураржой бермасдан кўчириш, Ф.Аҳмадов оила аъзоларини низоли уйга киритиш белгиланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2010 йил 29 апрелдаги ажрими билан туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 10 майдаги ажрими билан С.Суннатовнинг жиноят ишлари бўйича Н. шаҳар судининг 2010 йил 21 январдаги ҳукми ва фуқаролик ишлари бўйича Ж. туманлараро судининг 2010 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарори бўйича ижро ҳаракатларини амалга ошириш навбатини

белгилаш юзасидан тушунтириш бериш ҳақидаги аризаси рад қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 25 майдаги ажрими билан туманлараро судининг 2010 йил 10 майдаги ажрими бекор қилиниб, С.Суннатовнинг аризаси қаноатлантирилиб, жиноят ишлари бўйича Н. шаҳар судининг 2010 йил 21 январдаги ҳукмига кўра, Ш.Бердиевадан С.Суннатов фойдасига 45.295.950 сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатини биринчи навбатда ижро этиш, кейинги навбатда фуқаролик ишлари бўйича Ж. туманлараро судининг 2010 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарорининг С.Суннатовни низоли уйдан кўчириш ҳақидаги ижро ҳужжати ижросини амалга ошириш навбати белгиланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 11 январдаги ажрими билан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлими катта суд ижрочисининг вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 25 майдаги ажримига тушунтириш бериш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, жиноят ишлари бўйича Н. шаҳар судининг 2010 йил 21 январдаги ҳукмига кўра, Ш.Бердиевадан С.Суннатов фойдасига 45.295.950 сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича ундирув ижро этилганидан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Ж. туманлараро судининг 2010 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарорининг С.Суннатовни низоли уйдан кўчириш ва Ф.Аҳмадовни низоли уйга киритиш ҳақида тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси Ф.Аҳмадовнинг фуқаролик иши бўйича берилган ижро ҳужжати, Ш.Бердиевадан С.Суннатов фойдасига пул ундириш ҳақидаги жиноят иши бўйича берилган ижро ҳужжатиға алоқаси йўқлигига ҳамда бундай ижро ҳаракатларини ижро қилишда

қонунда уларнинг навбатини белгилаш назарда тутилмаганлиги ва ушбу масала судга тааллуқли эмаслигига эътибор қаратмасдан, процессуал хатоликка йўл қўйган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 1-банди талабига мувофиқ, иш судга тааллуқли бўлмаса, иш юритиш тугатилади.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 11 апрелдаги ажрими билан туманлараро судининг 2010 йил 10 майдаги ҳамда вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 25 майдаги ва 2010 йил 11 январдаги ажримлари бекор қилиниб, фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган.

ФСХ-76-11-сонли ажрим

